

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАКОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2012 йил 01.01.01 ОЗКЕД.с-он

*Ахмедов*

Ч.Ч.К.Э.Т.К. «Искандар ТЭП» асосда фаолият юритувчи рахбари  
(шуман/шарҳ) электр таъминоти раҳбарининг (корхонасининг номи)  
*А. Куррайтбеков* (кейинги ўриларда «Корхона»

(шуман/шарҳ) электр таъминоти раҳбарининг (Ф.И.Ш.)  
деб аталади) бир томондан *Мақомил Боқиев* асосда фаолият юритувчи

*Қушбўйбақалар Бунёдкор*  
(истеъмолчининг номи)  
рахбари *Б. Болобаев* (кейинги ўриларда «Истеъмолчи» деб аталади),  
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида тузилдилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўриларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

- 2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: \_\_\_\_\_ кВт.с.
- Актив *2000* кВт.с. реактив \_\_\_\_\_
- 2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи сўмни, тариф бўйича \_\_\_\_\_ ташкил этади.  
*500000*

тариф тури: таъминоти билан, бир ставкали ёки атолида таъминоти билан (тарифли ёки атоли)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақоний микроли ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (машиий истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинди, даҳлат қўёловидан ўтказилди, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан берил ўрнатилди, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилди.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб борувчи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВт ва ундан ортқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларини сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

арим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф буйича;

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни куллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни куллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар ҳукумат қарори билан белгиланмаган тарифлар буйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари буйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томондан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатилиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланиладиган энг юқори тариф гуруҳи буйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома буйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти қорхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштиракисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-илоҳасига мувофиқ шаклда энергия сарфи буйича ҳисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимиз, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «\_\_\_\_\_» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар буйича электр энергия сарфи буйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» қорхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган сандан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аввас тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан овоз этилади.

Арифметик ҳатolikлар, тарифларни нотўғри қўлаш туфайли пайда бўладиган кам ва ортика тўловлар тегишли тариф буйича кВт/соатларда кайта ҳисоблаб чиқилади ва «Корхона» томондан даъво мuddати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат қорхоналари ва устав капиталдаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда

мақсуд истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узингача бўлган қоралар қўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширадиган ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

«Корхона» томондан махсус дастурий махсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмуриятининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Узаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-варақ-фактуралардан фойдаланиши тақсимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори»)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-илоҳага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси буйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланмаган электр тармоқининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-илоҳага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга эга, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажми ёзиш учун қўшиб борилади. (6-,7-илоҳаларни реаление қувватга эга ва технологик брояли истеъмолчилар тўловлари).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимдан транзит буйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари қорхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфланиш бир килога, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдори нисбатан худудий электр тармоқлари қорхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томондан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томондан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томондан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори буйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томондан ёзиб олинган кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун кайта ҳисоб-китоб қилинади. Кайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёқуд унинг иштирокида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томондан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхонага» белгиланган шаклда буйича ўз қўли билан, факсимил электр тармоқлари қорхонаси томондан тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда талбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий таъбиркорлик тўғрисида»ги УРК 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида ушбу истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябидан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:  
«Истеъмолчининг электр қурилмаларини «Қорхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;  
сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;  
электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйilishi сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Қорхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгариши тўғрисида белгиланган тартибда тақдифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмининг ўзгариши бўйича тақдиф мўлжалланаётган ўзгаришидан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларида мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;  
Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тўзишда ва бажаришда юзга келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори орگانга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмол режимида риоя этиш;  
фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;  
эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Қорхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Қорхона» вақтинчалик ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошлангичдан қамлаб бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Қорхона»га буортманнома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қуваатга уланган «Истеъмолчи», «Қорхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришига мажбур.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда қамда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

«Қорхона» «Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида бағависл маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пена бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажминини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойлари кейинги қалендар ой тугагач қардорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинڭ 0,1 фозини миқдорда, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фозини миқдорда пена ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенанинڭ умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фозидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Қорхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилди:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қардорлик мажбур бўлганда;

Қорхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақиларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан арақлашиш хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;  
электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашни, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қондабузарлик ҳолати бағависл этилиб, мажбур қардорлик ва тўлов пайтидаги бағависл ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртисида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўйишига рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;  
энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;  
энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўттиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.  
махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технология; яқна тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;  
корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар

ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёндарида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини тахлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжин ва электр тармоқларнинг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш зарурятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогност хажмларидан ва электр энергияси сарфи метрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган метрларига рноя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришни талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан etkazилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»нинг электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдидан ҳақ тўлаш қуримасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдидан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узини.

«Корхона» конунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.  
Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»нинг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланси бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам etkazиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилиётган узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»нинг электр энергиясини etkazиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

электр энергияси тўлик etkazиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузиллишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;  
«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда etkazиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган тақсифларга мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўлайитириш (камайитириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;  
«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбашани таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини etkazиб бериш.  
Корхона конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида etkazилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса etkazилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимида рноя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергиясини чеклаш жазвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси etkazиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созилаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини etkazиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди;

«Корхона»дан ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган микдордаги электр энергияси etkazиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га etkazиб берилмаган қолган электр энергияни учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг қардорлиги ёки бошқа асосан сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавуолда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 2 декабрь гача бўлган муддатга тузилди.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан бир ой олддин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирини сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нуسخада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббус билан шартномани муддатидан олддин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олддин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиниш шартти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилса, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

